

Лхасе - дунёдаги энг баланд масжидлардан бири



12:01 / 18.11.2018 1943

Денгиз сатҳидан 3650 метр баландликда жойлашган Лхас буюк масжиди, у шунингдек, Хеболин масжиди деб ҳам аталади, дунёдаги энг баланд масжидлардан биридир. Хитойнинг Тибет автоном ҳудудида жойлашган ушбу иншоот 1716 йилда барпо этилган бўлиб, 1959 йилда масжид бутунлай қайта таъмирланиб бугунги кўринишни олган.



Умумий майдони 2600 кв.м. бўлиб, бинонинг ўзи 1300 кв.м. ташкил этади. Намозхонанинг ўзи 285 кв.м. иборат. Бино диний ва маҳаллий архитектура уйғунлиги асосида барпо этилган. Масжид деворлари тибет архитектурасига мос равишда декоратив безаклар ва ранглар билан безатилган.



Islom.uz портали таҳририяти